

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 39 (828), 2023 йил 25 февраль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ҚАШҚАДАРЁ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 24 февраль куни Қашқадарё вилоятида бўлди.



Давлатимизнинг ижтимоий сиёсати ҳар бир маҳаллага кириб бориш ва аҳоли талабини манзилли ҳал этишга қаратилган. Қарши туманида Янги Батож маҳалласида ҳам инфратузилма изчил ривожлантирилмоқда. 2021 йилда ташкил топган маҳалла бўлгани боис, бу ерда мактаб йўқ эди. 500 дан ортиқ ўғил-қиз 10 километр масофадаги мактабга қатнарди.

Яқинда бу ерда янги мактаб куриб битказилди. Президентимиз маҳаллага ташрифи чоғида уни кириб кўрди.

Мактаб 660 ўринли. Ўттиздан ортиқ синф-хоналар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона, STEM лабораторияси, компьютер хонаси ва касбга йўналтирилган хоналари мавжуд. Очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги йўлаклари ташкил этилган.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларни камидики чет тили ва битта замонавий хунарга ўргатиш мактаб таълимидаги асосий йўналиш сифатида белгиланган. Янги мактабда ҳам бунга шароит яратилган. Махсус жиҳозланган хоналарда ўқувчилар тикувчилик, заргарлик, пазандачилик, сартарошлик, электротехника,

компьютер ва мобил телефонларга хизмат кўрсатиш, робототехника бўйича касб сирларини ўрганади.

Давлатимиз раҳбари ўқувчилар билан мулоқотда бўлди.

Шундай шароит яратилгани, ўқувчилар мактабдан чет тилларини ва хунар ўрганиб чиқади. 11-синф ҳаётга йўлланма берувчи синф бўлади. Агар ҳар бир ёш шундай ўқиб, жамиятда ўз ўрнини топса, Ўзбекистонимизга мустақам замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент шу ерда қашқадарёлик ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

Ҳар бир ислохотда, қарор қабул қилишда ўқитувчилар кўз олдимида бўлади, — деди давлат раҳбари. — Сир эмас, илгари болалар уч ойлаб пахтага чиқариларди. Биргина Қашқадарёда 155 минг ўқувчи ўрни етишмасди. Бунинг учун вилоятга 1 триллион маблағ ажратилди. 215 та мактаб курилди. Бугун Қашқадарё мактаблар сони бўйича республикада биринчи ўринда. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ҳам оширилди. Албатта, буларни яна давом эттиришимиз. Лекин асосийси — сифат бўлиши керак.

Бу, аввало, ўқитувчиларнинг билимига, дунёқарашига, фидойилигига боғлиқ.

Учрашувда педагоглар ўз фаолияти ҳақида сўзлаб, фикр ва таклифларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Янги Батож маҳалласи аҳолисининг ҳаёти билан яқиндан танишди.

Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Худуд ободонлаштирилиб, тадбиркорлик ривожланмоқда. Тўқимачилик корхонаси, дорихона, мини банк, озиқ-овқат дўконлари ва хизмат кўрсатиш устаконалари аҳоли хизматига.

Маҳаллада Касаначилик маркази ташкил этилмоқда. Президент унда яратилаётган шароитларни кўздан кечирди.

Бу ерда тикувчилик, чармдўзлик, гиламчилик маҳсулотлари тайёрланиши билан бирга касаначиларга иш ҳам ўргатилади. Ҳоким ёрдамчиси ҳамда хотин-қизлар фаоли томонидан ишсиз фуқаролар аниқланиб, қизиқиш ва хоҳишларига кўра йўналишлар бўйича устаконага бириктирилади. Буюртмаларни тайёрлашни тўлиқ ўзлаштирган касаначиларга уйда ишлаши учун керакли дастгоҳ ҳамда хомашё берилди. Буюртмачи ва касаначи

ўртасида тузилган шартномалар ҳоким ёрдамчиси томонидан "Ягона меҳнат миллий тизими"га киритилади.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги хунармандларни хомашё билан таъминлаш, аҳоли зич маҳаллалардаги коллежларнинг маълум хоналарини касаначиларга ажратиш бўйича топшириқлар берди.

— Ўзи хунар ўрганишнинг энг катта замини — маҳалла. Бу аънанамиздан фойдаланиб, касаначилик ҳамда устоз-шогирдлик асосида ёшларни хунарли қилиш мумкин. Бу улгарга, айниқса, хотин-қизларга ҳам маънавий, ҳам моддий куч бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ Янги Батождан ташқари унга туташ Батож, Хониён, Тараққиёт, Дашт, Жумабозор каби маҳаллаларга ҳам хизмат қилади. У тўлиқ ишга тушса, қарийб 24 минг нафар аҳоли бандлигида муҳим омил бўлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Олий ҳарбий авиация билим юрти фаолияти билан танишди.

Маълумки, бу таълим муассасаси 1994 йилда Жиззахда ташкил этилган. Лекин у ерда бўлажак ўқувчилар амалиёт ўташи учун шароит етарли эмасди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда Қарши туманидаги Хонобод ҳарбий аэродромда бўлганида ҳарбий ўқувчилар тайёрлашда ушбу аэродром имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар билдирганди. Шу асосида, олий ҳарбий авиация билим юрти 2019 йилда Қарши шаҳрига кўчирилди. Ўқув ва машғулот бинолари замонавий тренажёрлар, ускуналар, ахборот технологиялари билан жиҳозланди.

Бу курсантларга Хонобод аэродромида ҳарбий ҳаво кемаларини бошқариш ва улгарга техник хизмат кўрсатиш бўйича машғулотлар олиб бориш, бевоқифа ўқув полигонларида иштирок этиш имконини бермоқда. Парвозга тайёргарлик маркази ва ахборот-ресурс маркази, 4 та мутахассислик йўналишлари борасида ўқув лабораториялари ҳарбий ўқувчиларнинг профессионаллик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

120 ўринли маданият маркази, 400 ўринли ётоқхона, ошхона, саф майдони ва спорт шаҳарчаси курсантлар ихтиёрида. Айна пайтда бу ерда 276 нафар курсант таълим олмақда.

Президентимиз муассасадаги шароитларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатда ўз мутахассислиги билан бирга қўшимча хорижий тиллар ва замонавий технологияларни пухта ўрганишнинг аҳамияти таъкидланди.

— Ҳар бир давлатнинг муқофаси унинг қудратини кўрсатади. Муқофаси эса сизга ўхшаган билимни, ақлни, иродали ҳарбийлар, муҳандис ва ўқувчилар таъминлайди. Бунга муносиб бўлиш учун доим ўқиб-ўрганиб, ўз устингизда ишлаб, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Олий Бош Қўмондон билим юрти ошхонасида курсантлар билан бирга тушлик қилди. Спорт ва ўқув машғулотларини кўрди. Ўқув юрти узра ҳужумчи, қирувчи, транспорт самолётлар, жанговар вертолётлар иштирокида ҳарбий авиация парвозлари намойиш этилди.

Мутасаддиларга дунёда кузатилаётган хавф-хатарлардан келиб чиқиб, ҳаво муқофасини янги поғонага кўтариш, тажриба тарикасида учувчисиз қурилмалар йиғини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ушбу билим юрти фаолиятини ҳам шунга мувофиқ такомиллаштириш, хорижий муассасалар билан қўшма таълим дастурларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев жойларга чиққанда халқ ичига кириб, аҳоли турмуш даражасини яқиндан ўрганади. Турмуш даражаси эса, аввало, ички бозордаги маҳсулотларда, нарх-навода намоён бўлади.

Янги йил арафасида Қарши шаҳрида кўп қаватли савдо мажмуаси ишга тушган эди. Унда озиқ-овқат, маиший техника, хўжалик моллари дўконлари ва кўнгличар масканлар жойлашган.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага ташриф буюриб, озиқ-овқат ва маиший техника дўконларини кириб кўрди. Маҳсулотларнинг сифати ва нархларига эътибор қаратди. Уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини юқори баҳолади.

Харидорлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ва хизматлар ҳақида уларнинг фикрлари билан қизиқди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги "Буёк Турон" кичик саноат зонасида ҳам бўлди.

Бу ерда ҳозирча 2 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 500 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Жорий йил охирига қадар яна 2 та лойиҳа ишга туширилади ва умумий иш ўринлари сони 1 минг 500 тага етади.

Ўтган йили фаолият бошлаган "Алп Техно Сервис" масъулияти чекланган жамияти йилига 120 минг донга телевизор ва мониторлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона JVC, TCL, Zimmet брендларининг аудитидан ўтиб, шу номлар остида ташқи бозорга чиқмоқда. Ўтган йили 3 миллион доллар маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 6 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Бу ерда 70 та иш ўрни яратилган. Яқинда плата териш ҳамда пластик қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари электротехника маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Корхона ишчилари билан суҳбатлашди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

### ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ПРАГМАТИЗМ —

# Янги Ўзбекистон фалсафаси

Тарихдан аёнки, буюк ислохотчи ўзидан олдинги сиёсий ютуқ ва камчиликлардан хулоса чиқариб, янги ислохотлар жараёнига оқилонга, барчасини тарозига солган ҳолда ёндашиб, сўнг катта янгиликларга қўл уради. Бундай ёндашув прагматизм ёки прагматик сиёсат деб юритилади.

Прагматизм (يونон тилида трoуcа — ҳаракат, иш, фаолият) Америкада шакланган фалсафий оқим сифатида амалий фаолиятга фалсафанинг методологик принциплари сифатида қарайди. У XIX асрнинг 70-йилларида шаклланиб, XX асрнинг биринчи ярмида фалсафий йўналиш

сифатида эътироф этилган. Прагматизм атамаси фанда И.Кант томонидан "Амалий тафаккур танқиди" асаридеги тилга олинган бўлса-да, Америка фалсафасига Ч.Пирс томонидан киритилиб, илмий муомалада ўз ўрнини топа бошлади.

▶ Давоми 3-бетда

### МАҲАЛЛИЙ САНОАТ

## ИМКОНИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШ САМАРАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йили илг бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодий тизимга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди. Бу натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати билан бирга, юртимизда тадбиркорликка яратилган қулай шароитлар туфайли эришилди.

Самарқанд вилоятининг ялпи ички маҳсулоти ўтган йили 43,5 триллион сўмини ташкил қилиб, ҳудуд иқтисодиётига 260 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспорт ҳажми эса 578 миллион доллардан ошди.

Вилоят иқтисодиётида саноатнинг ўрни катта. 2022 йилда 27,4 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2021 йилга нисбатан 7,1 фоиз



ўсиш таъминланди. Унинг вилоят ялпи ички маҳсулотидеги ҳиссаси 63 фоизга тўғри келди.

Давлатимиз раҳбари ўтказилган аксар йиғилишларда тадбиркорлар билан манзилли ишлаш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш орқали қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш ўринлари яратишга алоҳида урғу берди.

Самарқанд вилоятида тадбиркорлар мурожаатлари асосида ҳамда жойларга чиққан ҳолда, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 2023 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12 фоизга ўсиши прогноз қилиняпти.

▶ Давоми 4-бетда

# КАШҚАДАРЁ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятини иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Тадбир бошида 6 та янги корхона ишга тушириш маросими бўлди. Қарши туманидаги "Омад старт", Қарши шаҳридаги "Китоб ип йиғирув", Деҳқонобод туманидаги "Бахт текстиль", Шаҳрисабз шаҳридаги "Оқсарой текстиль" ва "Пит-стоп" корхоналари ҳамда мебель фабрикаси вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари раҳбарий тугмани босиб, янги корхоналарни расман ишга туширди.

Йиғилишда, аввало, вилоятда энергия таъминотини яхшилаш чоралари кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда вилоятда электр истеъмоли 6,9 миллиард киловатт-соати ташкил этиб, 310 миллион киловатт тақчиллик

киловатт сарфлайдиган Қарши магистрал каналнинг насос станцияларида 6 частотали бошқариш воситаси ўрнатилди.

Бу орқали шу йилда 50 миллион киловатт, келгуси йилдан бошлаб йилига 175 миллион киловатт электр иқтисод қилинади.

Йиғилишдаги асосий масала саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик ва касаначиликни қўллаб-қувватлашга оид бўлди.

Сунги беш йилда Қашқадарёга 10 миллиард доллар инвестиция жалб қилинган. Тадбиркорлар сони 2,5 баравар кўпайиб, кўшимча 325 мингта доимий иш ўрни яратилган. Илгари саноати паст бўлган 8 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баравар ошиб, вилоятдаги улуши 36 фоизга етган.

2023 йилда вилоятга 1,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиб, 440 минг аҳолини даромадли иш билан таъминлаш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бандлик масаласига алоҳида эътибор

этилади. Касаначиликка жалб қилинган эҳтиёжманд фуқарога ижтимоий нафақа 6 ой давомда тўлаб берилади. Асқоб-ускуна ва хомашё сотиб олишга 9 миллион сўмгача субсидия тақдим этилади. Касаначиликни жалб қилган тадбиркор ва кластерлар учун фойда ва айланма солиғи, давлат мулки ижараси 2 баравар камаяди.

Булар орқали Қашқадарёда яна 150 та маҳаллада кўшимча 20 минг аҳолини касаначилик қилиш мумкинлиги қайд этилди.

Маҳаллалардаги бандлик ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда кластерлар фаол бўлиши кераклиги таъкидланди.

Деҳқонобод, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Нишон туманларида сув таъминотини яхшилаб, 10 минг аҳолини банд қилиш, Миришкордаги 5 минг гектарли табиий қўлда балалқ еттиштириши кўпайтириш вазифалари айтиб ўтилди.

Саноат зоналарида бўш турган майдонларда 50 та лойиҳани амалга ошириб, 2 мингта иш ўрни яратиш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, жойлардаги "Ушш нукталари"га тадбиркорларни жалб қилиб, қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

— Ҳар бир туманда салоҳиятни лойиҳага, лойиҳани иш ўринларига айлантириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш ва Яккабоғ туманлари туризм салоҳиятининг ярми ҳам ишга солинмаган. Бунинг учун "Шаҳрисабз — Қарши — Самарқанд" йўналишига электр поезди қўйиб, йўловчи оқимини ошириш вазифаси қўйилди. Бу туризм, савдо ва сервис ривожига кўшимча туртки бўлади.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари, оқсоқоллар, зиёлилар, тадбиркорлар ўз тақлифларини билдирди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, Улмас БАРОТОВ, ЎЗА мухбирлари**

## НУҚТАИ НАЗАР

# МУНОСАБАТЛАР ДОИМ ИЛИҚ БЎЛГАН

**Аҳмад Муҳаммад Азиз ИСМОИЛ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири**

Ўзбекистон ва Мисрни асрлар давомида сақлаб келатган маданий ва тарихий ришталар бирлаштиради. Буюк мутафаккир Аҳмад Фарғонийга бўлган ҳурмат ҳам икки халқни яқинлаштиради. Ўз даврининг етуқ астрономи, математик ва географи бўлган Фарғоний 861 йилда Нил дарёсидаги Равза оролида сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо эттирган. "Миқёс ан-Нил" номи билан машҳур бу қурилма қишлоқ хўжалиги ва иқлимни баҳолашда жуда муҳим бўлган.

Ўзаро муносабатлардаги яна бир асосий жиҳат сиёсий тўсиқларнинг йўқлигида. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиснинг тақдирини таъриф билан Қоҳирага боргани эса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги даврини бошлашига шубҳа йўқ. Ҳамкорлик келишувлари, савдо-иқтисодий, маданий, таълим ва бошқа йўналишларда имзоланган йирик битимлар шунга ишоради.

Ўзбекистонга келиб илмий фаолиятини давом эттираётганимга кўп бўлмади. 2020 йилдан буён Тошкент давлат иқтисодиёт университетида талабаларга дарс берман. Ўзим Ҳиндистоннинг Жавахарлал Неру университетига докторлик ишмини химоя қилиб, статистика ва ахборот технологиялари соҳасида қатор илмий излашлар олиб борганман. Педагогик фаолиятим давомида Миср, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида дарс бердим. Ўзбекистонда ишлаш фаолиятимда янги бурилиш ясади. Икки давлат таълимида фарқли жиҳатлар билан бирга, ўхшашликлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда сал кейинроқ тўхталамман. Ҳозир эса алоқаларимизнинг узок йиллик тарихи ҳақида сўз юритмоқчимман.

Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги дастлабки алоқалар VIII-XIII асрларда Яқин Шарқ ва Марказий Осиёдаги улкан маданий ва илмий тараққиёт босқичи бўлган ислом олтин даврига тўғри келади. Бу даврда Урта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан ҳам кўплаб олим ва зиёлилар Мисрга бориб, Қоҳирадаги Ал-Азхар университети каби машҳур таълим марказларида таҳсил олган. Улар икки мингта ўртасида илм алмашишда муҳим роль ўйнаган ва ҳам ислом, ҳам дунёвий илмлар ривожига хизмат қилган.

Ўзаро муносабатлар XIX асрда савдо-сотик орқали янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ипақ, пахта ва бошқа газламалар ишлаб чиқаришнинг муҳим маркази бўлиб, тўқимачилик маҳсулотлари Мисрга экспорт қилинган. Муносабатлар доим илиқ бўлган. Миср 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. Шундан сўнг дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1993 йилда Тошкентда Миср элчихонаси очилди.

Ўзбекистон ва Миср ўртасида ўзаро ҳамкорликда улкан салоҳият мавжуд. Сунги 5 йилда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳажми 3,2 баробар, яъни 2017 йилдаги қарий 10 миллион доллардан 2022 йилда 30,5 миллион долларга

етган бўлишига қарамай, бу ҳали юқори кўрсаткич эмас. Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит, шубҳасиз, Миср компаниялари билан кимё, энергетика, тоғ-кон саноати, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Икки давлат ўртасида савдо ва сармоя, хусусан, қишлоқ хўжалиги, туризм ва транспорт соҳаларини рағбатлантиришга қаратилган қатор шартномалар имзоланган. Ўзбекистон ҳам иқтисодиёт учун муҳим даромад манбаи бўлган туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Миср тажрибасини ўрганишга қизиқиш билдирган.

Бизни бой ва ранг-баранг маданий алоқалар ҳам ўзаро боғлаб туради. Энг муҳимларидан бири умумий ислом меросидир. Кўплаб диний урф-одатлар ва аъёнлар, жумладан, Ҳайит байрамларини нишонлаш қадриятлари ўхшаш. Меъморий меросларимиз бир-бирига яқин. Ҳар икки мамлакатда ҳам сопол қомиллар имзоланган. Миср муҳим ва беэқиб нақшлардан фойдаланиш ислом санъати ва меъморлиги таъсирини акс эттиради.

Яна бир соҳа мусиқа ва рақс санъатидир. Иккала мамлакат ҳам бой халқ мусиқаси ва рақс аъёнларига эга бўлиб, бу уларнинг маданий ўзига хослигининг муҳим қисмидир. Ўзбекистонда шаклланган маком мусиқа аъёниси ЮНЕСКО томонидан инсоният оғзига ва номоддий меросининг дурдона асарига сифатида эътироф этилган. Худди шундай, Миср мусиқаси ва рақслари, шу жумладан, қорин рақси бутун дунёда машҳур.

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги мовий гўмбазли масжид ва мадрасалар мамлакат меъморий ва бадиий меросидан сўзлаб турибди. Миср эса қадимий пирамидалари, ибодатхоналари ва мақбаралари билан машҳур бўлиб, улар мамлакатнинг узок ва қадимий тарихини намоён этади.

Пазандалик борасида ҳам ўхшаш жиҳатларимиз бисёр. Ўзбек ошхонаси каби Миср таомларида ҳам мазали гўшт, зиравор ва савзавотлардан кенг фойдаланилади. Халқимизнинг гуруч, асымқ ва макаронни бирлаштирган машҳур таоми — қошари ўзбек ошига ўхшаб кетади. Очиғи, ўзбек таомлари ва меҳрим бандан. Улар таомларимизга яқин бўлгани учун ҳам севиб истеъмол қилсам керак.

### ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК

Таълим соҳасидаги алоқалар ҳақида гап борганида, албатта, ўзаро таъриба алмашишнинг аҳамияти юқори экани кўринади.



бўлиши қўйилмоқда. Шу боис, алоҳида қарор қабул қилиниб, бу тақчилликни ортқи билан қоплаш бўйича ишлар бошланди.

Хусусан, Нишон ва Чироқчи туманларида 3 та қуёш электр станциясини ишга тушириш режалаштирилган. Давлат идоралари, корхона ва хонадонларда 76 Мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатиш имконияти бор. Электр тармоқлари янгилашиб, энергия истеъмоли юқори бўлган қурилмалар алмаштирилади. Шунингдек, йилга 2,2 миллиард

қаратиб, бу борадаги имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Хусусан, вилоятда 80 та маҳаллада 6 мингдан зиёд аҳоли касаначилик билан шуғулланади. Ўзбекистон Президенти имзоланган қарори кенг имкониятлар яратди. Жумладан, тадбиркорларга ҳар бир жалб қилинган касаначи учун, 2 миллион сўмгача имтиёзли револьвер кредит ва 1 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилди. Касаначиларга ўзини ўзи банд қилиб, солиқ тўламасдан шуғулланишга рухсат

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ИСЛОҲОТЛАР ҲАР БИР ОИЛА ҲАЁТИДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Оқтомир қишлоғи Риштон тумани марказидан ўн чакирим олисда. Аҳолиси чорвачилик ва томорқачилик ортидан рўзгор тебратиб келади. Томорқачиликдан йилига бир марта ҳосил олиш билан қиёфаланган. Бармоқ билан санарли озиқ-овқат дўконидан бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаси йўқ, Ишсизлик юқори даражага кўтарилган, арзимас юмуш учун туман марказига боришга мажбур бўлишган.

Бу қайдлар беш мингга яқин аҳоли кўнми топан кўҳна Оқтомир қишлоқ ҳаёт тарзи билан боғлиқ эски хотира. Бугун қишлоқнинг ҳаёт тарзи ўзгарди, одамлар янги яратувчилик амаллари билан андармон.

Бу бежиз эмас. Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари иш бошлагани одамлар ҳаётида янги шуқуқ, интилиш ва изланиш каби яратувчилик туйғуларини олиб кирди. Бир сўз билан айтганда, мудроқ қалблар уйғонди. Янги тизим, биринчи навбатда, шароити оғир оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга манзилли кўмаклашиш, уларни ишбилармонлик ва тадбиркорликка жалб этиш, бандлигини таъминлаш, даромадини оширишда ишончли тизимга сифатида аҳоли эътиборини қозонди. Энг муҳими, маҳалла аҳли уларга ишоняпти, дардини айтяпти.

Касби иқтисодиёти бўлган Илҳомжон Ботиров масъулияти вазифага тайинланган қадар аҳоли билан ишлашда яхшигина таъриба тўплагани боис, улар билан тез тил топишди. Хонадонларда бўлиб, маҳалла аҳлини қийнаб келатган масалалар ечими, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланишга эътибор қаратди.

Абдувалик Мелибоевнинг олти сотихдан ортиқ томорқаси бор. Аммо шу кунга қадар ундан унумли фойдалана олмаган. Иссиқхона қуриш, сара уруғ, ўғит ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ масалалар томорқачи учун ечилмас муаммолардан эди.

Оиладаги мавжуд ҳолат ва имконият билан яқиндан танишган ҳоким ёрдамчиси тақлифи асосида иссиқхона қуриш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бугун бу хонадонда

бўлган киши ҳовли сатҳига туташ иссиқхонада эртанги ҳосил тараддудида қилинаётган меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Айни кунда 2 минг тупдан ортиқ эртанги бодринг кўчатлари экиш учун тайёрлаб қўйилди.

— Масъуллар келиб, томорқада иссиқхона қуриб бериш тақлифини айтганда, тўғриси, бир оз иккиландим. Шунча маблағни қайтариш масъулиятдан кўрдим, — дейди томорқачи Абдувалик ака. — Ҳоким ёрдамчиси бу маблағлар етти йилга, имтиёзли давр билан берилаётгани, меҳнат қилсақ, харажатлар бир-икки мавсумда қоплаш имкониятлари ҳақида тушунчалар берди. Дастлабки йилги иссиқхонамиздаги 2 минг туп эртанги бодрингдан 20 миллион сўмдан ортиқ даромад олди. Куз мавсумида зираворлар экиб ҳам даромад топдик. Бу йил янада яхшироқ меҳнат қилиб, ҳосилдорликни ошириш йўлида ҳаракат қилиямиз. Маҳсулотларни қанча эрта бозорга чиқарсақ, шунча яхши.

Яхшилик ва эзгуликнинг қаноти бор деганларидек, кўшнисининг иш таърибасидан андаза олган томорқачилар сафди кенгайиб бормоқда. Айни кунга қадар бу йўналишда учун 57 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли сармоя йўналтирилиб, 38 хонадон томорқаларида замонавий иссиқхоналар қурилди. Маҳалла хулуида сара уруғ, минерал ўғит, зараркунданларга қарши курашиш воситалари, иш қуроллари сотуви ва ижара тизимати йўлга қўйилди.

— Президентимиз ташаббуси билан аҳоли муаммоларини ўрганишга қаратилган "маҳаллабай" ишлаш тизими ҳокимиятнинг халқ билан янада яқинлаштириди, — дейди ҳоким ёрдамчиси И.Ботиров. — Одамлар билан олиб борилаётган жонли мулоқот бугунги ва

эртанги иш фаолиятимиз учун муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий эътиборимизни янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли даромадини ошириш, бу йўналишда иш бошламоқчи бўлган ҳар бир лойиҳа, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга. Шу кунга қадар 58 нафар фуқаро 1 миллиард 512 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари билан таъминланди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконияти бор, аммо етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган 18 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди, 157 нафар фуқаро бандлиги таъминланди, 11 нафар ишсизларга 37 миллион сўмлик субсидия маблағлари ажратилди.

Ҳоким ёрдамчиси маҳалла ҳаёти билан боғлиқ барча жабҳаларда фаол иштирок этмоқда. Аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган инфратузилма тармоқлари фаолиятини яхшилаш орқали маҳалладошлари оғирини енгил, узогини яқин қилиш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда бошқош.

"Оқтомир" МФЙ openbudget.uz платформи орқали қудуқдан сув чиқариш ва Божистон — Оқтомир магистрал оқова сув тармоғини тортиш учун 1 миллиард 200 миллион сўмлик лойиҳада ғолиб бўлди. Ташаббусли бюджет асосида олиб борилаётган ишлар қишлоқ хулуида 7 минг 600 метр ичимлик сув тармоғи тортиш, 500 дан ортиқ хонадонга тоза ичимлик сув олиб кириш имконияти беради.

Шунингдек, аҳолига бирламчи тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида манзилли ишлар амалга оширилди. Тиббиёт пункти учун маҳалла конейнрлар олиб келиниб, фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий жиҳозлар, дори-дармон, интернет, алоқа воситалари билан таъминланган маскан қишлоқ аҳолисига беминнат хизмат кўрсатиб келяпти.

— Қон босимим кўтарилиб тургани боис, шифокорга тез-тез мурожаат қиламан, — дейди маҳалла фаоли Илҳомжон Назаров. — Бирок қишлоқ оилавий поликлиникаси ашаш жойимиздан узоқлиги сабаб, кўплаб қийинчилик,



оворагарчиликларга дуч келганми. Янги ташкил этилган контейнер тиббий хизмат кўрсатиш пункти бу борада ўзига хос имкониятлар беради.

Маҳаллада аҳоли саломатлигини назорат қилиш, тиббий маданиятни ривожлантириш, репродуктив саломатлик, касалликни даволагандан кўра, олдини олишга бўлган эътибор ҳам ортган.

— Бу тизим нафақат халқнинг муаммоларини юзага чиқариш, балки унинг ечимлари ҳам эътибор қаратаётгани билан ажралиб туради. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Адҳамжон Орипов. — Илҳомжон ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Ҳар бир масалани ҳамжиҳатлик билан ечишга ҳаракат қиламиз. Маҳалламизнинг географик жойлашуви ва иқлим шароити лимончиликка жуда мос. Бу "Даладан дастурхонга" тамойили асосида сархил лимон еттиштириш, қайта ишлаш ва экспорт йўналишида кластер ташкил этиш имкониятини беради. Айни кунда бу соҳада иш олиб бориш истагида бўлган томорқачиларни аниқлаш бўйича хонадонбай иш олиб бораёямиз. Билдирилган тақлифлар жамланиб, ҳоким ёрдамчиси кўмағида керакли

маблағлар ажратиб бериш чоралари кўрилмоқда. Ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан маҳаллада саноат йўналишида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини оширишга эътибор қаратилган.

Шоҳистахон Бойбобоева уй шароитида трикотаж маҳсулотлари, кўрпа-тўшак ишлаб чиқариш йўналишида оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Имтиёзли кредит асосида керакли тивув жиҳозлари сотиб олди. Тикув-биҳува қизикан 4 нафар маҳалладоши билан касаначилик асосида маҳсулот тайёрламоқда.

— Уй юмушлари ва фарзанд тарбиясидан ажралмасдан фойдали меҳнат қилиб, оила фаровонлигига ҳисса қўшяман, — дейди Шоҳиста Бойбобоева. — Илгари бежирим либослар тайёрлаётган тадбиркор хотин-қизлар ҳақида эшитиб, қани эди, бизда ҳам шундай имкониятлар яратилса, дея ҳавас қилардим. Ҳоким ёрдамчисининг қўллаб-қувватлаши, тақлифи билан орзуларим ушaldi. Айни дамда уй-рўзгор учун керакли бўлган кўрпа-тўшаклар

тайёрлаёямиз. Маҳсулотларимизнинг бозори чакқон, даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Кўлами кенг эзгу ишлар маҳалладаги ҳар бир оилада буй кўрсатмоқда. Натижада аҳоли турмуш тарзи яхшиланиб, дастурхонлар тўкинлиги таъминланяпти.

Маълумот ўрнида айтганда, айни кунда тумандаги 71 маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчилари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар кўмағи билан аҳоли бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали кўшимча даромад топиш учун имкониятлар беришда тизимли ишлар, муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти.

— Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан 38 минг 440 хонадон ўрғанилиб, 4 тоифага ажратилди, — дейди Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбари Равайн Саидов. — Утган йилнинг ўзида 16 минг 849 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. Оилавий тадбиркорлик дастури асосида 1 минг 967 нафар фуқарога 55,23 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномалари асосан ажратилди. Касб-хунар ва тадбиркорлик йўналишида ўқиш истактини билдирган 994 нафар фуқаро тадбиркорлик йўналишларига ўқитилиб, бандлиги таъминланди. 198 нафар фуқарога умумий миқдорда 740,6 миллион сўм субсидия ажратилди. Пахта ва галладан қисқартирилган 401 гектар ер майдонидан икки-уч мартдан ҳосил олишга эришилди. Улар кўмағида 940 тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди. Умумий қиймати 217 истиқболли лойиҳа учун 83,2 миллиард сўм сармоя жалб этилиши соҳибига 1 минг 517 янги иш ўрни яратилди.

Сирасини айтганда, аҳоли муаммоларини ўрганиш, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кўпга қанот бўлаётган ҳоким ёрдамчилари зиммасига катта масъулият юкланган. Бунда уларнинг ташаббускорлиги ва мутасаддилар билан ҳамкорликда олиб борилаётган савй-харажатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ПРАГМАТИЗМ —

Янги Ўзбекистон фалсафаси



Исмоил САИФНАЗАРОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетини профессори, фалсафа фанлари доктори

Бошланғичи 1-бетда

Прагматизмнинг асосий ғояси ҳар бир индивид ҳаётига масъулият билан ёндашиш, ўз турмушдан, умуман, ҳаётдан қониқиб асосида фаровонлик даражасини таъминлаб боришдан иборат. Кундалик турмушда эса позитив натижа ва амалий наф қўришга йўналтирилган қарашлар ва интилишларни асосий ўринга қўйиш стратегик фаолият сифатида баҳоламоқ лозим. Демак, прагматик фуқаро ҳаётга қарашларини ҳамда ўз ҳаракатлари тизимининг фойдали амалий натижаларини таъминлашга йўналтирган оптимист шахс бўлиб, ўзига ва ўзгаларга қадрият сифатида қараб, эҳтиром асосида муносабатда бўлади. Прагматиклик эса танлаган ҳаётий стратегияни амалий интилишлар асосида таъминлашга олиб борувчи йўлни қўллаб-қувватламоқда. Энг муҳими, Шавкат Мирзиёев Президент лавозимида киришганидан бошлаб ўтган вақт давомида халқимиз ўз ҳаётида сезиларли ва жиддий ўзгаришларга гувоҳ бўлди.

Бу борадаги илк чоралардан бири сифатида Президентнинг Халқ қабулхоналари тизими ташкил этилишини айтиш мумкин. Бу фуқаролар ва ташкилотларнинг Президентга шахсан ва виртуал тарзда муносабат қилиш имконияти демакдир ва у деярли инқилобий ташаббус бўлди. Мамлакат тараққиёти учун муҳим бўлган янги иқтисодий қарар эса Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, кейинчалик 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топди. У хусусий сектор ва хорижий инвестицияларнинг қатъий қўллаб-қувватлинишига қаратилган.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан танланган йўл босқичма-босқич амалга оширилувчи ислохотларнинг яхлит мажмуасини ташкил қилади ва бу йўл осон эмаслигини ҳам яхши биламиз. Энг асосийси, Президент халқ тараққиётининг янги даражасига эришиш ва глобал бозор иқтисодиётига қўшилиш борасида мустақкам иродага эга эканидир.

Шавкат Мирзиёев скептиклар фикрини бутунлай йўққа чиқаришга муваффақ бўлди. Республикада жадал суръатлар билан кунча кеча иложидек объектив баҳо бериш асосида давлат хизматларига жалб қилиш. Яъни юқори салоҳиятли одамларни раҳбарлик лавозимига тайинлаш. Меритократия таъминлагани кўра, давлат истиқболли ёшларни мактаб давридан аниқлаб, кузатиб боради ҳамда уларни бутун ўқиш давомида рағбатлантиради. Улар университетларга кириши учун грантлар олади, айримлари хорижга ўқишга кетади. Ўз навбатида, иқтидорли ўқувчилар тўрт йилдан олти йилгача давлат хизматида ишлаб бериш мажбуриятини олади.

Халқимиз фақатгина “органлардан” чиққи визасини олгандан сўнг хорижга бориши мумкин эди. Мамлакатнинг миллий валютаси — сўмнинг доимо иккита, бир-бирдан фарқ қилувчи айирбошлаш курси, яъни норреал расмий ҳамда “қора бозор” курси амал қилиб, бунинг учун ҳатто панжара ортга ўтириш ҳам ҳеч гап эмас эди. Ўқув йилининг илк ойлариди мактаб ўқувчилари ва талабалар ўқишда эмас, далаларда пахта терими билан банд бўларди. Уша пайларда кўшни давлатлар билан чегараларда мина майдонлари учраб турарди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг амалдаги дўстона ва оқилона сиёсати билан бундай ҳолатлар ҳам ўтмишда қолди.

Давлат раҳбари сифатидаги қатъий позициясини билиш мақсадида Шавкат Мирзиёевнинг баёнотларидан бирини олайлик: “Биз халқимизни рози қилишимиз, халқ билан, инсонлар билан бевосита мулоқотда бўлишимиз керак. Бугун ҳеч кимнинг кечагидек ишлашга ҳаққи йўқ. Маҳдудлик, коррупция, ошна-оғайнигарчилик ишга ҳеч қандай ёрдам бермайди... Шаҳар ва туманларнинг кўпгина ҳокимлари эскича услубда ишлашни давом эттиришни хоҳлайди. Агар улар халқни рози қилмас, уларнинг оёғи ердан узилган бўлса, билингни, биз уларни ишдан бўшатишга мажбур бўламиз... Токи ҳаёт бор экан, биз орзу қилишдан, мақсадимиз сари олға боришдан тўхтамаймиз. Бироқ сен раҳбар сифатида халққа хизмат қилишга бел боғлаган экансан, ишга пўтур етказадиган барча масалаларни орқага ташлашинг керак... Битта нотўғри босилган қадам оёғимизга кишан бўлади, игна билан кудуқ қазигандек қийинчилик билан эришган обрўйимизга катта зарар етказиши”.

Шавкат Мирзиёев ўзбек амалдорлари учун бутунлай янги бўлган сиёсий маданиятни сингдиришга ҳаракат қилган ҳолда, фақатгина ишдан бўшатиш билан пўписа қилмапти. Керак бўлса, хатога йўл қўйганларга имконият берапти. Сабаби оддий. Ислохотлар халқимиз кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, қўтилган натижаларга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка боғлиқ. Шу мақсадда давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Кўпгина вазирилик ва идораларнинг вази-фалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд эди. Шунинг учун бошқарувада бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартиришга ўтилди. Бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилди.

Бу ҳақда гапирганда Ўзбекистонда прагматик ёндашувдан ташқари, Сингапур тажрибасида кузатилганидек, меритократия ва ҳалоллик таъминлагани ҳам мавжуд. Сингапурда ушбу учта таъминий давлат тизимининг устунига айлантирилди.

Меритократия — ҳар қандай ижтимоий қатламда энг муносиб ва қўбиллатилган шахсларни уларнинг касбий фазилатлари ва алоҳида хизматларига адолатли



Давлат хизматидаги мансабдорларнинг иш фаолияти қўйидаги таъминийларга асосланади: давлат хизматида муносиб кадрларни жалб қилиш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, порраҳўрликни юзага келтирувчи омиллар сонини камайтириш, пинҳона имтиёзлар мавжуд бўлмаган ошқоралик сиёсатини юритиш.

Мартаба даражаси юқори бўлган хизматчиларни давлат назоратидаги компаниялар бошқарувида ишлаш учун тайинлаш амалиёти жорий қилинган. Бу амалиёт уларга хусусий сектор муаммолари билан шуғулланиш имконияти беради. Шу тарзда давлат хизматчилари фойдали тажрибани кўлга киритади.

“ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕК АМАЛДОРЛАРИ УЧУН БУТУНЛАЙ ЯНГИ БЎЛГАН СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ СИНГДИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ҲОЛДА, ФАҚАТГИНА ИШДАН БЎШАТИШ БИЛАН ПЎПИСА ҚИЛМАПТИ. КЕРАК БЎЛСА, ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙГАНЛАРГА ИМКОНИЯТ БЕРЯПТИ. САБАБИ ОДДИЙ. ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚИМИЗ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ, ҚЎТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ КЎП ЖИҲАТДАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ САМАРАДОРЛИККА БОГЛИҚ. ШУ МАҚСАДДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. КЎПГИНА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ АНИҚ ВА ТЎЛИҚ БЕЛГИЛАНМАГАН САБАБЛИ ФАОЛИЯТИДА БИР-БИРИНИ ТАКРОРЛАШ ҲОЛАТЛАРИ МАВЖУД ЭДИ. ШУНИНГ УЧУН БОШҚАРУВДА БИР-БИРИНИ ТАКРОРЛАЙДИГАН ИДОРАЛАР, ФУНКЦИЯЛАР ВА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ЎТИЛДИ. БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛДИ.

Яна бир принцип — юксак маънавият ва ҳалоллик. Айнан ҳалоллик Сингапур давлат хизмати ва куч тузилмаларида муваффақиятли ишлашнинг асосий шартидир. Ҳалоллик давлат тараққиётининг ўзаги. Сингапур асосчиларининг халқ олдидаги юксак хизматлари ҳам ана шу хислат билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатда табиий ресурсларнинг етишмаслиги ақл, интизом ва зуққолик устуниги билан қўпланган, десак янгиликлар бўламиз.

Дарҳақиқат, давлат хизматчиси аҳолини қўйиб келаётган муаммолар ечимини таъминлайдиган шахс бўлиб, у ҳалол ва адолатли, хизмат вази-фасига садоқат ва масъулият билан ёндашадиган, умуман, инсонлар билан бўладиган муомалада ҳар томонлама ўйлаб, чиройли мулоқот қилиш қоидаларига риоя этиш фазилатларига эга бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг Сингапурга давлат ташрифи доирасида жаҳоннинг етакчи бўлиб таълим муассасаларидан бири олган Сингапур миллий университети ҳузуридаги Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби фаолияти билан батафсил танишиши беҳиж эмас эди. Чунки Сингапурдан ўрганишга арзийдиган тажрибалар етарли.

Давлат хизматидаги мансабдорларнинг иш фаолияти қўйидаги таъминийларга асосланади: давлат хизматида муносиб кадрларни жалб қилиш ҳамда уларни қайта тайёрлаш, порраҳўрликни юзага келтирувчи омиллар сонини камайтириш, пинҳона имтиёзлар мавжуд бўлмаган ошқоралик сиёсатини юритиш.

Мартаба даражаси юқори бўлган хизматчиларни давлат назоратидаги компаниялар бошқарувида ишлаш учун тайинлаш амалиёти жорий қилинган. Бу амалиёт уларга хусусий сектор муаммолари билан шуғулланиш имконияти беради. Шу тарзда давлат хизматчилари фойдали тажрибани кўлга киритади.

“ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕК АМАЛДОРЛАРИ УЧУН БУТУНЛАЙ ЯНГИ БЎЛГАН СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ СИНГДИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ҲОЛДА, ФАҚАТГИНА ИШДАН БЎШАТИШ БИЛАН ПЎПИСА ҚИЛМАПТИ. КЕРАК БЎЛСА, ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙГАНЛАРГА ИМКОНИЯТ БЕРЯПТИ. САБАБИ ОДДИЙ. ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚИМИЗ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ, ҚЎТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ КЎП ЖИҲАТДАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ САМАРАДОРЛИККА БОГЛИҚ. ШУ МАҚСАДДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. КЎПГИНА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ АНИҚ ВА ТЎЛИҚ БЕЛГИЛАНМАГАН САБАБЛИ ФАОЛИЯТИДА БИР-БИРИНИ ТАКРОРЛАШ ҲОЛАТЛАРИ МАВЖУД ЭДИ. ШУНИНГ УЧУН БОШҚАРУВДА БИР-БИРИНИ ТАКРОРЛАЙДИГАН ИДОРАЛАР, ФУНКЦИЯЛАР ВА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ЎТИЛДИ. БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДАГИ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛДИ.

Халқро майдонда очик, ишончли ва ташаббускор давлат сифатидаги мақоми ва обрўси кескин ошди. Прагматик ташки сиёсат — амалий манфаатларга асосланган, пухта ўйланган режа асосида кўзланган мақсадни рўёбга чиқаришни назарда тутувчи сиёсат. Прагматик ташки сиёсатда самарасиз натижалардан керакли хулосалар чиқарилади ва доим белгиланган режага мувофиқ ҳаракат қилинади. Прагматик сиёсат кўзланган режалар ва лойиҳалар тизимини амалда фойдали натижаларга эришиш нуқтаи назардан қурадиган сиёсат ҳамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз имкониятлари ва салоҳиятидан ҳар томонлама самарали фойдаланиш, мавжуд муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўлида прагматик ташки сиёсат юритмоқда. Айнан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида Марказий Осиёда янги геосиёсий ишонч муҳити вужудга келмоқда ва минтақа давлатлари ўртасида мавжуд муаммолар борган сари камайиб бормоқда.

Давомида мамлакатимизда олиб борилган ишлар бир неча ўн йилликларда ҳам амалга ошмаган эди. Бу хоҳ сиёсатда бўлсин, хоҳ иқтисодиётда. Прагматизм амалий фаолиятнинг устуворлигига таянувчи концепция сифатида бугунги бозор муносабатлари шароитида иқтисодий фаолиятнинг муваффақиятини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шахс, жамоа ва жамиятнинг иқтисодий фаолияти амалий ҳаракат ва фаолиятдан фойда қўриш хусусияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, мамлакатимиз аҳолиси, хусусан, ёшларда прагматик дунёқарашни юксалтириб, улар фаолиятини бозор муносабатлари талаблари билан мувофиқлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади.

Ҳозирги давр ёшларнинг билим даражаси, фикрлаши, дунёқараш, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Зеро, ёшлар жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз “Мактаб бу — ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи”, дея Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётида ёшлар тарбияси нақадар муҳим аҳамиятга эга



эканини яна бир бор таъкидлади. Иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва ниҳоят, одамлар онгида ўзгариш яшаш учун, энг аввало, таълим соҳасини янгилаш мумимиллий мақсадга айланиши керак, деган тезис илгари сурилди. Бугунги кунда таълим-тарбия, маърифат соҳасини қамраб олган чуқур ислохотларнинг илдизи ҳам айнан шунда. Президент Шавкат Мирзиёев истеъдодли, фаол ва ташаббускор йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга ҳар доим тайёр. Албатта, ҳозир бунинг учун имконият кўпроқ. Ҳар кунги гувоҳи бўлаётганимиздек, ёшларга вазирилик ва идоралардаги юқори лавозимлар ишончли топширилмоқда, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар билан мукофотлари ва унвонлар берилляпти, автомашина, уй-жой тақдим этилмоқда. Бу нафақат тақдирланганлар, балки уларнинг тенгқурлари учун ҳам рағбатлар. Турғи-да,

шунга эришмоқчи бўлсанг, сен ҳам ҳаракат қил, ўқишда, санъат ёки спортда ўзингни кўрсат! Прагматик концепцияларга асосланган илмий фаолият давлат сиёсатининг энг фаол соҳаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бугунги янгилашлар шароитида давлат бизнесининг таъминлаш функциясини, анкироги, прагматик дунёқараш билан суғорилган илмий билимлар ва гоғлар билан таъминлашни ўз зиммасига олмақда. Айнан шунинг учун илгор мамлакатлар расмий ҳужжатларида илмий-техника тараққиётига ягона занжир, илмий гоғ ишлаб чиқиш, инновация бизнесини кенг қўламда қўллаш ёки фойдаланиш сифатида қаралади.

Иқтисодиётда прагматизмини юксалтириш асосида инновацион фаолиятни йўлга қўйишда мамлакатимизда ишончли ва барқарор институт ҳисобланган маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатлари талаблари асосида самарали ташкил этиш ва амалга ошириш, шу жумладан, шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қонун ҳужжатлариди белгиланган тартибда кичик корхоналар, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устaxonалари, халқ ҳўнармандлиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат

кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш ва қайта ташкил этиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш яхши натижа беради ва шундай қилинмоқда. Жамиятимизда кўп укладли иқтисодиёт шаклланиши ва хусусий тадбиркорлик сектори вужудга келиши ёшларнинг эркин касб танлаш, истаган фаолият тури билан шуғулланиши учун кенг имконият яратиб беради. Айниқса, уларнинг иқтисодиётдаги соғлом рақобат манбаи сифатидаги кичик корхоналарни ташкил этишдаги роли бу борада улкан салоҳият ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг эртаси ойдin. Зеро, мамлакат прагматик сиёсатдан сув ичмоқда, озикланмоқда. Прагматизм Ўзбекистон тараққиётининг фалсафасига айланди. Демак, ҳақли равишда Учиччи Ренессанс остонасида, десак сира муболага бўлмайди.

# ИМКОНИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШ САМАРАЛАРИ ҚАНДАЙ?

### МАҲАЛЛИЙ САНОАТ



Хаким Йўлдошев олган суратлар

### Нозир ИБРАГИМОВ, иқтисод фанлари доктори

Бошланиши 1-бета

### РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ

Вилоятда саноатни жадал ривожлантиришнинг қандай асослари бор? Энг аввало, янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ушунинг асосий манбаи ҳисобланади. 2023 йилда умумий қиймати 917 миллион долларлик 304 инвестицион лойиҳа амалга оширилди, режалаштирилган. Ана шунинг эвазига қўшимча 543,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.



Этиборли жиҳати, жорий йилда умумий қиймати 373,9 миллион долларлик 45 лойиҳа тўғрисида инвестициялар ҳисобига амалиётга татбиқ этилади. Масалан, Каттақўрғон туманидаги МЧЖ шаклидаги "Хенгун цемент" хорижий корхонасида цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида 99 миллион доллар, Булғунгум туманидаги "Жиззах кентекс" тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 14 миллион долларлик тўғрисида лойиҳа хорижий инвестициялар ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, умумий қиймати 143 миллион долларлик 45 та янги инвестицион лойиҳа қисман маҳсулот беришни бошлайди, улар ҳисобига қўшимча 139 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланяпти. Жумладан, Пастдарғом туманидаги "Master house gold" МЧЖда қиймати 28,7 миллиард сўмлик шифер ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш орқали 30,2 миллиард сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга тақдим этилса, Нарпай туманидаги "Znongduo huaxu wood industry" хусусий корхонасида қурилуш материаллари тайёрлашни туфайли қўшимча 14,3 миллиард сўмлик маҳсулот бозорларимизга кириб боради.

Иккинчи муҳим жиҳат, манзилли ёрдам кўрсатиш орқали паст куватларда ишлаётган корхоналарда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратилади. Чунки ўрганишлар вилоятдаги 46

тайёрланади. Мисол учун, Самарқанд шаҳридаги "Daka tex" хорижий корхонасига айланма маблағ сифатида 11,4 миллиард сўмлик кредит ресурслари ажратиш орқали қўшимча 37,9 миллиард сўмлик ип-калага ишлаб чиқариш имконияти юзага келади.

Яна бир омил — мавжуд корхоналар қувватларини кенгайтириш ёрдамида ўсиши таъминлаш. Вилоятдаги 50 та корхона маҳсулотлари талаб бўлган ҳолда, ишлаб чиқариш етарли эмаслиги туфайли мазкур имкониятдан фойдаланилмаётган эди. Улардаги қувватларни кенгайтириш натижасида 1 триллион 43,7 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкинлиги прогноз қилинди. Уларга манзилли ёрдам бериш режалари белгиланди.

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "Asia metal prof" қўшма корхонасида умумий қиймати 112,5 миллиард сўм бўлган арматура ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш имконияти бор. У ишга солинса, 450 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланади. Самарқанд туманидаги "Istiqbol sho'las" МЧЖда қиймати 19 миллиард сўмлик арматура ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш натижасида иқтисодиётга қўшимча 33 миллиард сўмлик маҳсулот кириб келади.

Жойлардаги тахлилларга кўра, аввал ишга тушган 25 инвестиция лойиҳаси бўйича бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларнинг ечими қувватларни оширишга ёрдам бериши аниқланди.

Пайриқ туманидаги "Paradise white gold textile" МЧЖнинг "Хўжа Исмоил" ва "Тулистон" МФИдаги тўқимачилик бўлинмаларида ҳамда "Globaltex" МЧЖнинг трикотаж маҳсулотлари цехида электр таъминотини яхшилаш орқали 17 миллиард сўмлик ортиқча маҳсулот тайёрлаш имкони бор.

### ХУДУДИЙ САНОАТ ДРАЙВЕРЛАРИ

Вилоятда автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника соҳасида бир қатор тармоқ корхоналари фаолият юритиб келмоқда. Уларга ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қувватларни ошириш, янги лойиҳаларни рўйбга чиқаришда ҳар томонлама кўмак бериб келиняпти. Аслини олганда, уларга доир муаммоларнинг аксариятини вилоят даражасида ҳал қилиш мумкин.

2023 йилда ҳудудий саноат корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатларда ўсиши кўтилмоқда. Агар 2022 йилда улар томонидан 14,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2021 йилга нисбатан 6,9 фоиз ўсиш таъминланган бўлса, 2023 йилда 18,6 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 2022 йилга нисбатан 14,8 фоизга ўсиш прогнози қилинган. Бу борада электротехника, мебелсозлик, гиламчилик, заргарлик каби йўналишлар иқтисодиёти-мизнинг драйверлари ҳисобланади.

Вилоятда электротехника саноати йўналишида 63 корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 23 таси маиший электротехника, 12 таси кулчилик қурилмалари, 6 таси кабель-сим ҳамда 22 таси бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.



2022 йилда ярим автомат режимидagi кир ювчи машиналари, маиший кондиционерлар, чангочтиқлар, янги услуби совутиқ ва музлаткичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жорий йилда умумий қиймати 1,5 триллион сўмлик 50 та инвестицион лойиҳани амалга оширишга киришилди. Бу жараёнда қиймати 981 миллиард сўмлик 33 лойиҳа ишга туширилади, 573,1 миллиард сўмлик қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ва 1 минг 900 да ортиқ янги иш ўринлари яратилади, бюджетга 26 миллиард сўм тушум тушиши таъминланади.

Бу борада ҳудудларда ҳам муайян тажриба тўпланган. Жумладан, Ургут туманидаги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Sam-ferre" хусусий корхонаси ана шундай қувватлардан бири. Корхона фаолиятини 2016 йилда икки қўли газ плиталарини ишлаб чиқаришдан бошлаган эди. Утган йиллар давомида яратилган қўлай шарт-шароитлар босис, иш ўринлари сони 600 га, тайёрланаётган газ плиталари, маиший ва витринали музлаткичлар, иситкич ҳамда чангочтиқлар тури 35 га етказилди.

Агар корхона 2020 йилда 50 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткични 3 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Президентимиз раҳбарлигида ўтган йил 7 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маҳаллий саноат соҳалари қаторида мебел, гиламчилик

ва заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида ургу берилиб, мебел маҳсулотлари ички бозор эҳтиёжи 5 триллион сўмдан ошаётгани, атрофимиздаги ташқи бозорнинг салоҳияти камида 1 миллиард доллар тенглиги қайд этилган эди.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида ушбу йўналишида 259 корхона фаолият кўрсатмоқда. 2022 йилда вилоятда умумий қиймати 70,4 миллиард сўмлик 18 лойиҳа ишга туширилиб, 267 янги иш ўрни яратилди.

Қувонарлиси, мебелсозлик бугунги кунда халқ хўнарамдчилиги даражасига кўтарилган, соҳада ихтисослашувга алоҳида эътибор бериляпти. Фирмага далил тариқасида Самарқанд ва Пастдарғом туманларида 8 маҳалла айни йўналишига ихтисослашганлигини,

масалан, Пастдарғом туманининг Қорағулла маҳалласидаги 65 хонадонда 169 нафар уста мебелсозлик билан шуғулланаётганини келтириш мумкин.

Уста хўнарамдлар шарт-шароит яратиш ҳамда улар фаолиятини кластер усулида ташкил этиш мақсадида ушбу маҳалла ҳудудида 2,5 гектар майдонда мебелсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кичик саноат зонаси ташкил этилиб, ундаги ер майдонлари оқиб электрон савдолар орқали тадбиркорларга сотилди. Бу ерда тез орада қиймати 20,4 миллиард сўмлик 10 та истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши ва 365 янги иш ўрни яратилиши кўтилди.

Ҳисоб-китобларга асосан, вилоятда мебел ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йил якуни билан 207 миллиард сўмга тенг бўлди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич 14,3 фоизга ўсиб, 305,7 миллиард сўмга етиши кўтилмоқда. Бунда 26,7 миллиард сўмлик 11 та янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши муҳим ўрин тутди.

Соҳа ривожига хомашё масаласи ўта долзарб, аксарияти хориждан валютага олиб келинади. Шу боис, импорт ўрнини босадиган лойиҳалар устида фаол иш олиб боришмоқда. 2023 йилда Нарпай туманидаги "Huaxi Wood Industry" корхонаси негизда қиймати 46,5 миллиард сўмлик "Фанера ҳамда мебел учун акрилл клеи ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси бу борадаги ишлар сирасига кириди.

Соҳа ривожига хомашё масаласи ўта долзарб, аксарияти хориждан валютага олиб келинади. Шу боис, импорт ўрнини босадиган лойиҳалар устида фаол иш олиб боришмоқда. 2023 йилда Нарпай туманидаги "Huaxi Wood Industry" корхонаси негизда қиймати 46,5 миллиард сўмлик "Фанера ҳамда мебел учун акрилл клеи ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси бу борадаги ишлар сирасига кириди.

Соҳа ривожига хомашё масаласи ўта долзарб, аксарияти хориждан валютага олиб келинади. Шу боис, импорт ўрнини босадиган лойиҳалар устида фаол иш олиб боришмоқда. 2023 йилда Нарпай туманидаги "Huaxi Wood Industry" корхонаси негизда қиймати 46,5 миллиард сўмлик "Фанера ҳамда мебел учун акрилл клеи ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси бу борадаги ишлар сирасига кириди.

### ОБОД МАСКАНЛАР



## ҚУМЛАР ЎРНИН ЭГАЛЛАР БОҒЛАР

Юртимизда узумчилик соҳасида ўзига хос тажриба тўпланган. Деярли ҳар бир хонадонда ишқом бор, узумнинг турли навлари етиштирилади. Улар ёз бошидан кеч қузгача пишиб етилади. Шунинг учун дастурхонимиздан йил бўйи узум аримайди. Албатта, бунда миришкор боғбонлар, фермерлар, тадбиркорлар ҳамда оилавий деҳқон хўжалиқларининг ўрни ва хизмати беқиёс.

ри экилган бўлиб, йилига 16 минг тонна маҳсулот олиш режалаштирилган. 2021 йили 1 миллион АҚШ долларидан зиёд қийматдаги узум Қозоғистон, Россия ва Хитойга экспорт қилинди.

Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги "Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда узумчиликни янада ривожлантириш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизimini йўлга қўйиш, алкоголь бозорини тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, халқимизни сифатли узум маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳа экспорт салоҳиятини, инвестицион жозибадорлигини ошириш, виночилик туризмни ривожлантириш йўллариини ҳам белгилаб берди.

Соҳага илм-фан ютуқларини татбиқ этиш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш, мазкур йўналишдаги фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.



Эллиқалъа тумани боғбонлари узумчилик бўйича етарли тажрибага эга. Утган йил туманда 500 гектар ерга узум навлари янги ниҳоллари ўтказилди. Лойиҳа учун кластер, фермер хўжалиқлари ва томорқа ер эгаллари жами 77,4 миллиард сўм ажратилди. Бу маблағнинг 17,7 миллиард сўми лойиҳа эгалари ва 59,7 миллиард сўми тижорат банклари кредитиди.

Эллиқалъа туманидаги "Эллиқалъа шароби" узумчилик кластери 100 гектар узум плантацияси яратди. Унинг 30 гектарига хўраки, 70 гектарига винобоп

навлар қадалди. Шунингдек, тумандаги "Бўстон агросаноат савдо" кластерида 50 гектар ер ажратилиб, 25 гектарга плантация услубида узум ниҳоллари ўтказилди.

Кластеримиз 100 гектарга тоқ экан, шунинг 70 гектари винобоп навлар. Корхонамиз вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, — дейди "Эллиқалъа шароби" узумчилик кластери агрономи Дилшод Ризаев. — Бугунги кунда корхонамизда 13 киши доимий, 30 киши мавсумий иш билан банд. Биз узумдан имкон қадар кўпроқ маҳсулот етиштириш мақсадида фарғоналик боғбонлар тажри-

басини ўрганишимиз. Иқлим шароитимиз тўғрисида маълумот олиш мумкин. Аммо иқлимимизга мос навларни кўпроқ экишни ва парварши қилишни давом эттирамиз.

Туманининг "Тупроққалъа" овул фуқаролар йиғинида ҳам "Меҳнатсевар" кооперацияси ташкил этилиб, 10 гектар майдонга тоқ экилди ва "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган 50 кишига 20 сотихдан бўлиб берилди.

Ҳозир Фарғона вилояти боғбонлари Эллиқалъа туманига 200 гектар майдон учун тоқ кўчатлари етказиб, маҳаллий фермерларга Фарғона тажрибаси асосида узум экиш ва парваршилаш сирларини ўргатмоқда.

Нукус мева ва поллиз экинлари етиштирадиган туман. Нукус шаҳри деҳқон бозорини ушбу туман деҳқонлари ва боғбонлари ноз-неъматлар билан тўлдирди. Шунингдек, "Ширинкент Меҳрибон" фермер хўжалиги томонидан жорий йилнинг баҳорида 40 гектарга Самарқанддан келтирилган узум ниҳоллари экилди. Бундан ташқари, "Агро кластер киш-миш" узумчилик кластери томонидан 2021 йилда ин-витро лабораторияси ташкил этилиб, узумнинг касалликларига чидамли, ҳосилдор навлари етиштирилмоқда.

Энг муҳими, бу ерда Қорақалпоғистон иқлим шароитига мос, совуққа чидамли навларини экишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Лаборатория жорий йилдан тўлиқ қувватда ишлаш бошлайди. Натижада йилига 5 миллион туп узум ниҳоли етиштириш ва фермер хўжалиқларига етказиб бериш йўлга қўйилади.

Бугунги кунда узум ниҳолларининг кўпи Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидан олиб келинаётган бўлса, 2023-2024 йилларга бориб Қорақалпо-

Самарқанд кейинги йилларда ўз гиламлари билан ички ва ташқи бозорда мавқеини тобора мустаҳкамлаб борапти. Худудларимизда 25 та гилам ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатаяпти. Утган йили улар томонидан 1,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 26,9 миллион долларлик қисми экспорт қилинди. 2023 йилда мос равишда маҳсулот ҳажмини 2,1 триллион сўмга, экспортни эса 28,1 миллион долларга етказиш прогнози қилинган.

Бу маррага эришишда Ургут туманидаги "YEC Gilam" МЧЖ томонидан қиймати 85,8 миллиард сўмлик гилам ва полипропилен толаси ишлаб чиқариш лойиҳасининг ўз вақтида амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этади. Унда 100 та янги иш ўрни яратилиши ҳисобига 450 минг долларлик экспорт, 228,9 миллиард сўмлик қўшимча қиймат яратилиши ва 13,1 миллиард сўм бюджетга тушум тушиши кўзда тутилган.

Заргарлик соҳасида ҳам имкониятлар жуда кенг. Юртимизда 300 миллион долларлик бозор бор. Бу талабни маҳаллий заргарлар бемалол қондириши мумкин.

Самарқанд вилоятида 75 нафар заргар-хўнарамд олтин, кумуш ва мисдан турли заргарлик маҳсулотлари тайёрлашади. Лекин уларнинг аксарияти ўз хонадонларида фаолият юритиши, ишлаб чиқариш, шогирдлар тайёрлаш ва иш ўринларини кенгайтириш имкониятлари чегаралангани сабабли соҳа етарлича ривожлана олмаляпти.

Заргар-хўнарамдлар билан суҳбатларда ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёшларга хўнарамдчиликни келтириб чиқаришга имкониятлар берилиши аён бўлди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иш жараёнида шогирдлар тайёрлаш учун қўлай хоналар зарур, савдон ривожлантириш учун аҳоли гавжум кўчаларда жойлашган ижараси қиммат бўлмаган бинолар керак, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш йўллариини ишга солиш лозим.

Бу каби тақлифларни умумлаштириб, Самарқанд шаҳрида заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдоси учун замонавий савдо мажмуасини барпо этишга киришилди. Умумий майдони 4,5 минг квадрат метр бўлган бу бинодо пардозлаш ишлари олиб бориляпти, инфрамуҳит тармоқлари ўрнатилмоқда. Мажмуани жорий йилнинг 1 июлига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бу кенг имкониятларни ишга солиш бўйича қўйилаётган дастлабки амалий қадам, десак муболага бўлмайди. Бундан ташқари, таҳлил ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда, вилоятда 2023 йилда умумий қиймати 155,2 миллиард сўмлик заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 48 та инвестицион лойиҳа тайёрланди. Уларнинг 38 таси янги ва 10 таси мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган. Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 455 та янги иш ўрни яратилади. Самарқанд шаҳрида замонавий, ҳамма қўлайликларга эга заргарлик маркази барпо этилади. Хорижий сайёҳлар учун миллий заргарлик маҳсулотларини харид қилишга ҳам қўлай шароит яратилади.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, ақл билан пухта иш тутилса, бунинг замирида жуда кўп иш жойи, тадбиркорларнинг манфаатдорлиги, одамларнинг розилиги бор. Бу борадаги ишларни "ички талабни ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш" занжирини асосида ташкил этиш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, ақл билан пухта иш тутилса, бунинг замирида жуда кўп иш жойи, тадбиркорларнинг манфаатдорлиги, одамларнинг розилиги бор. Бу борадаги ишларни "ички талабни ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш" занжирини асосида ташкил этиш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

гистоннинг узум кўчатларига талаби ниҳол етиштирувчи хонадонлар ва Кегайли туманидаги академик Маҳмуд Мирзаев номидаги илмий тажриба станциясида етиштирилган ниҳоллар ҳисобидан тўлиқ қопланади.

Узумчилик хўжалиқларини йўлга қўйиш, уларга ер майдонларини танлаш ва сармоя масаласида тадбиркорларга кўмак бериш мақсадида лойиҳа офислари ташкилланган бўлиши мумкин. Бундай офислар жорий йилнинг ўзига узумчилик учун 2 миллиард сўмдан ортқ имтиёзли микрокредит ажратилишига ёрдам бери.

Узумчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиқлари раҳбарлари, боғбонлар ва соҳа мутахассисларининг касбий билиминини ошириш мақсадида доимий равишда семинарлар ўтказиб бориш йўлга қўйилди, — дейди Дурисберген Эшонов. — Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг утган йил 12-13 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида берган топшириги асосида узумчилик соҳасини ривожлантириш бўйича Фарғона вилояти тажрибаси ўрганилмоқда. Соҳага илгор инновацион технологиялар ва илм-фан ютуқларини жорий қилиш ҳамда сувсизликка чидамли, уруғсиз узум навларини танлаш ва экишни ташкил этиш, узумчилик ва боғдорчилик йўналишида боғбонлар мактабини очиш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ушбу саъй-ҳаракатлар, албатта, яқин йиллар ичида ўзининг иқобий натижаларини беради. Қорақалпоғистонда қумлар ўрнини серхосил боғлар эгалляпти.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири**

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ



ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ҚАДРИЯТЛАРИ

ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА АРМИЯ ҚУДАРАТИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Ихволидин МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, доцент

Қадим замонлардан халқимиз бой тарихий мероси, юксак маданияти, урф-одат ва анъаналари билан шуҳрат қозонган. Буюк аجدдоларимиз жаҳон илм-фани ва маданиятининг барча соҳалари, жумладан, ҳарбий санъат ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Ҳарб соҳасида Широк, Тўмарис, Муқанна, Спитамен, Нажмиддин Қубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳридин Мухаммад Бобур каби қаҳрамон аждодларимиз қолдирган жанговар қадриятлар, анъаналар, маросимлар, урф-одат ва удумлар барча даврларда бўлгани каби, бугунги кунда ҳам Ватан химоячиларининг маънавий дунёсини бойитиб, юртга, ҳарбий бурчга садоқат, мардлик ва жасорат манбаи бўлиб қолмоқда.

Жорий йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимизнинг сафарбарлик соҳасидаги тайёргарлиги ва ҳудудий муҳофазасини таъминлаш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Қўмондонлик таркиби қўшинларни бошқариш ва вазифаларни қўллаш бўйича малакасини ошириш зарурлиги қайд этилди. Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича тавсиялар берилди. Бу кунчи четдан излашнинг ҳолати йўқлиги, шонли тарихимиз, бой илмий ва маданий меросимиз, баҳодир аجدдоларимиз ҳаёти ва фаолияти биз учун чинакам ибрат мактаби экани таъкидланди.

Аммо шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар руҳ, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдирини унутмаслиги бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бефарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин, дея таъкидлагани ҳам беҳиз эмас эди. Иجتимой ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, ҳарбий фаолиятда ҳам ҳарбий хизматчилар, ҳарбий жамоаларнинг хатти-ҳаракати ва ҳулқ-атвори маънавий-ахлоқий омиллар белгилаб беради. Улар кундалик ҳаётда, айниқса, ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳарбий хизматчилар фаолиятини тартибга солишчи вазифадор.

Мамлакатимизда ҳарбий қурилишнинг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, иجتимой, маънавий ва мафқуравий соҳаларидаги туб ўзгаришлар жараёнлари билан бирга кечмоқда. Бундай шароитда замонавий

шақллантириш ва уларни келажакда ҳарбий фаолиятга жалб қилиш; **иккинчидан**, ҳарбий хизматни ўташнинг иجتимой-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқиш зарурати, айрим шахсларда ҳарбий хизматга нисбатан салбий муносабатни ижобий томонга ўзгартириш;

**учинчидан**, Қуролли Кучларни кадрлар билан таъминлаш, жамият аъзолари орасида ҳарбий хизматнинг иجتимой заруратини англаб етишига қўмақлаш ва армияга нисбатан ижобий фикрни шақллантириш;

**тўртинчидан**, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ва иجتимой химоясини мустаҳкамлаш;

**бешинчидан**, янги иجتимой-иқтисодий шароитларда Қуролли Кучларнинг кам сонли, ихчам бўлиши билан боғлиқ ҳолда, ҳарбий хизмат нуфузини ёшларнинг ҳарбий-касбий йўналишига таъсир этувчи мураккаб омил сифатида баҳолаш зарурати;

**олтинчидан**, жамиятда ва Қуролли Кучларда ҳукм сураётган дунёқараш плурализи.

Ҳарбий жамоалар турлича ахлоқий ва психологик муносабатлар, қадриятлар ва тамойиллар, эътиқодлар ва қарашлар, анъаналарга эга бўлган, аммо умумий вазифаларни бажаришга бурчли одамларни бирлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, айрим ҳолларда ҳарбий муҳида жиддий муаммолар ва зиддиятларга олиб келиши, шахсий таркибни жипслаштириш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштириши мумкин. Шу сабабли ҳарбий хизмат қадриятларининг ҳарбий хизматчилар онгига сингдирилиши жамоаларни шақллантиришдаги салбий динамикани бартараф этишга ёрдам беради.

Ҳарбий хизмат қадриятлари амалга оширилаётган ҳарбий ва иجتимой-маданий муҳида намоён бўлади. Ҳар-



Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳарбий хизматнинг маънавий қадриятларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга инсонпарварлик, халқпарварлик, иجتимой бурч, фидойилик, меҳнатсеварлик, ақл-заковат, виждонлилик, адолатчилик, ҳалоллик, саховатлилик, бағрикенглик, бадий-эстетик қадриятларни киритиш мумкин. Ватанпарварлик, ҳарбий бурчга, ҳарбий қасамёда, жанговар байроққа садоқат, ҳарбий хизмат шайни, ор-номуси, гурури, ҳарбий интизом, қаҳрамонлик, мардлик, жасорат, шижоатлилик, ташаббускорлик, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни мукамал ўзлаштириш, уларни асраб-авайлаш, шунингдек, ҳарбий анъаналар, маросимлар ва урф-одатлар эса иккинчи гуруҳга кириди.

Мутахассислар фикрича, ҳарбий хизмат қадриятлари йўналишларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Ҳарбий хизматнинг ўзи учун яқин бўлган қизиқарли мутахассислик бўйича хизмат қилиш, техника, қурол-яроғ тизимларини бошқариш ва уларни қўллаш истаги билан белгиланади. Улар ҳарбий хизматчилар томонидан мард йигитнинг иши сифатида баҳоланади ва касба қизиқиш билан қўллаб-қувватланади.

**Учинчи гуруҳ — когнитив-ривожланаётган қадрият йўналиши** ҳарбий хизматчининг фаолиятидаги ҳам романтик, ҳам прагматик муносабатларни ўз ичига олади. Бунга бошқа соҳалардаги фаолиятга муносабат, мураккаб, экстремал, хавф-хатар билан боғлиқ шароитларда ўзини синая қўриш, жисмоний чинқиш истаги, ва ниҳоят, ўз қобилиятини ривожлантириш имконияти қабилир кириди. Буларнинг барчаси фақат ҳарбий хизмат шароитларида амалга оширилиши мумкин.

**Биринчи омил** — Қуролли Кучларни шақллантириш ва ривожлантириш жараёнида давлат ҳамда Қуролли Кучлар бирлигини ифодаловчи маънавий қадриятлар узлуksизлиги, яъни ўтмиш маънавий қадриятларида мавжуд барча аҳамиятли, илгор ҳолатларни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга мерос қилиб қолдириш.

**Иккинчи омил** — командирлар шахсий таркибини бошқариш жараёнини Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари, умумҳарбий низомлор талабларига қатъий риоя қилиш, жанговар тайёргарлик, тарбиявий ва мафқуравий ишларни таълим-тарбиянинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда амалга ошириш.

**Учинчи омил** — ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шақллантириш, сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳарбий жамоанинг тарбиявий имкониятларидан унумли фойдаланиш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳарбий хизмат қадриятлари барқарор тузилмига эга тизимдир. Бу қадриятлар ҳарбий хизматчилар ҳулқ-атвори, командир ва бошлиқларга сўзсиз бўйсунishi, Қуролли Кучлар ва умуман, жамият ҳаётининг турли соҳаларига бўлган муносабатини, ўзи ва хизматдошлари ҳаракатларини қадриятлар билгилари, бу эса хизмат ва хизматдан ташқари фаолиятнинг мақсад-муддаоларини келтириб чиқаради.

Мутахассислар фикрича, ҳарбий хизмат қадриятларини шақллантиришнинг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, энг аввало, ҳарбий бурч туйғусини чуқур ўзлаштириш, Ватан химоясига қаққилган жангчининг юксак лавозимга тайинланишини англаб етишини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳарбий интизом талабларини қатъий ўзлаштириш устувор масаладир. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларни жамиятда, давлатда қабул қилинган ахлоқий қоидалар, унинг асосий қоидалари, нормалари, талаблари билан қуроллантириш, ахлоқий бурчларни қатъий ўзлаштириш, юксак ватанпарварлик, фуқаролик, жамоавийлик, дустлик, касбий ва корпоратив ҳамжамият, Ватанга хизмат қилиш бўйича ўз ҳарбий ва фуқаролик бурчининг маънавий-ахлоқий мазмунини чуқур англаш руҳида тарбиялаш талаб этилади. Ҳарбий хизматчиларнинг муносабатлари, ҳис-туйғулари ва ҳулқ-атворининг юқори маданиятини, жамият ва жамоа манфаатлари йўлида шахсий манфаатларини қўриб қўлиши қобилияти, маънавий-ахлоқий, ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатлари, ҳулқ-атвор нормалари, эҳтиёжлари ва мотивларини шақллантирилади. Энг муҳими, ҳаётта ва ҳарбий хизматга ахлоқий муносабатни тарбиялаш ҳамда ҳарбий хизматчи шайни, шахсий қадриятини, масъулият ҳисси, нотўғри хатти-ҳаракатларга, адолатсизликка, инсофсизликка тоқат қилмаслик туйғуларини шақллантиришдан иборат.

Бу қадриятлар ҳарбий хизматчилар томонидан кундалик фаолиятда ва жанговар вазиятларда қўйилган ўқув ва ўқув-жанговар вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашнинг асосини белгилаб берувчи муҳим омиллардан биридир. Шу сабабли шахсий таркибда ватанпарварлик, бурч, ҳарбий қасамёда садоқат, ор-номус, гурури, мардлик, жасорат, шижоатлилик, ташаббускорлик, масъулиятлилик фазилатларини шақллантириш ва мустаҳкамлаш уларнинг ҳарбий хизматга онгли муносабатини, иجتимой заруратини англаб етишини таъминлайди.

**“ Дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган қуролли жоҳролар, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун мафқуравий курашлар авж олаётган ҳозирги даврда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинч ва осойишта ҳаётининг қаққий химоячиси бўлган ҳарбий хизматчиларимизда миллий руҳга асосланган юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, жанговар қобилиятни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.**

**Биринчи гуруҳ — ҳарбий-корпоратив қадрият йўналиши.** У жамиятда ҳарбий хизматчилар ва офицерлар корпусига нисбатан қарашлар билан боғлиқ бўлган асосий тўшунчаларни ўз ичига олади. Булар, биринчи навбатда, ҳарбий шараф ва қадр-қиммат, Ватан тақдирини ва хавфсизлиги учун масъулиятни ошириш, ҳарбий шериклик, маросимлар ва анъаналар, либос, шунингдек, ҳарбий интизомга риоя қилиш, ўз хизмат фаолиятини таъминлаш ва тартибга солиш, ҳарбий сулоналар, ҳарбий хизматчилар оилалари анъаналарини давом эттириш истаги каби ўзига хос муносабатлар ва махсус ахлоқий



асослар, хатти-ҳаракатлар услубини ўз ичига олади. Ушбу гуруҳ қадрият йўналишларининг асосий устуворлиги ҳарбий ихтисослик ва романтизм билан белгиланади.

**Иккинчи гуруҳ — ҳарбий-касбий қадрият йўналиши.** Бу ҳарбий хизматчининг ўз-ўзини англаш зарурати билан ифодаланган касбни акс эттиради. Ушбу қадриятларнинг характерли

муаммосини ҳал қилиш имконияти, қафолатланган молиявий ёрдам олиш ва ишсиз қолиш хавфидан холи бўлиш, қийин вақтларни қутқиш қабилир кириди. Бу гуруҳлар барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар қадрият йўналишлари умумий тизимини таъминлайди. Шахсий таркибда ҳарбий хизмат қадриятлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, улар қатор омиллар асосида шаклланади.



миллий армияни яратиш ва унинг юқори жанговар тайёргарлигини таъминлаш масалалари асрлар давомида буюк аждодларимиз томонидан яратилган ҳамда шаклланган ҳарбий хизмат қадриятларини сақлаш, ривожлантириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш масалалари билан боғлиқ. Зеро, миллий армиямиз давлатнинг муҳим институти бўлиб, унинг тақдирини, ички барқарорлиги, замонавий дунёда тутган ўрни, роли ва нуфузини кўп жиҳатдан ҳарбий

**“ БУ ҚАДРИЯТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ТОМОНИДАН КУНДАЛИК ФАОЛИЯТДА ВА ЖАНГОВАР ВАЗИЯТЛАРДА ҚўЙИЛГАН ўқув ва ўқув-жанговар вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашнинг асосини белгилаб берувчи муҳим омиллардан биридир. ШУ САБАБЛИ ШАХСИЙ ТАРКИБДА ВАТАНПАРВАРЛИК, БУРЧ, ҲАРБИЙ ҚАСАМЁДА САДОҚАТ, ОР-НОМУС, ҒУРУВ, МАРДЛИК, ЖАСОРАТ, ШИЖОАТЛИЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК, МАСЪУЛИЯТЛИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ УЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ОНГЛИ МУНОСАБАТИНИ, ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИНИ АНГЛАБ ЕТИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.**

замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, моддий таъминот турлари билан таъминланганлик даражасига, балки жанговар руҳга ҳам боғлиқ. Президентимиз 2020 йил 11 январь куни Қуролли Кучлар академиясига таърифи чоғида **“Бир фикрни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: армиявий моддий жиҳатдан барча замонавий зарур техника ва жиҳозлар, қурол-яроғлар билан таъминлаш мумкин.**

хизматчиларда шаклланган қадриятлар белгилайди. Ҳарбий хизмат қадриятларининг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади: **биринчидан**, замонавий дунёда ҳарбий-сиёсий воқеалар ривожини, тенденцияларини ва динамикасини кўп жиҳатдан армиянинг жамиятда қандай нуфузга эга бўлиши, ҳарбий-касбий йўналишнинг қандай таъминлаш, ёш авлоднинг ҳарбий хизматга муносабатини

ИБРАТЛИ УМР САБОҚЛАРИ

# МАНГУЛИККА дахлдор санъати

Аждодларимиздан қолган бой маданий-бадий мерос ҳамда ижодкорларнинг замонавий тасвирий ва амалий санъатда эришаётган ютуқларини дунёга танитиш Ўзбекистон Бадий академияси олдига турган асосий вазифалардан биридир. Бугун жаҳондаги етакчи бадий академиялар, соҳадаги ихтисослашган нуфузли халқаро таълим муассасалари, ташкилотлар билан ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилмоқда.



Хусусан, ҳозирги кунда бадий таълим йўналишида академия дунёнинг 20 га яқин давлати таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик қилапти. Охириги тўрт йилда Бадий академиянинг халқаро миқёсдаги салоҳиятини ошириш мақсадида Корея Республикасининг Кеимён университети президенти Син Ил Хи, Озарбайжон Миллий санъат музейи директори Чингиз Фарзалиев Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий аъзоллигига қабул қилинди. МДХ мамлакатларидан ташқари, Хитой, Япония, Малайзия, Таиланд, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатлар таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатувчи англашув меморандумлари имзоланди. Талабалар мазкур меморандумлар асосида хорижда таълим олиш имкониятга эга бўлди.

санъатдек бир чаманнинг боғи эрамлар билан боғлашга аҳд қилган ижодкор унинг масъулиятини бир дақиқа ҳам унутмасди. Ижод, ўқиш, ўрганиш, яна ўқиш... Акмалнинг ҳар кунги вақти шу зайлда ўтарди. У имкон қадар устозни ўратганларидан янги услуб, ўз йўналишини яратишга интилди. У битта йўналишни, аммо қийинини танлади. Халқ дарди, ҳаётини бошқаларга ўхшатиб эмас, балки ўзига хос ва мос тарзда борича кўрсатишга уринди. Масалан, у кўрган суратларда мўйқалам устаси катта, кенг кўчаларни чизган. Акмал ўша кўча ичидаги йўловчиларни, одамларни кўришга ҳаракат қилди. Бу жуда кўп кўн ва ирода талаб этарди.




лар миллий тасвирий санъатимизда яратилган асарлар савиясининг янада юксаклигини таъминламоқда. Шунингдек, ўзбекистонлик зукко санъат мухлислари учун нафақат пойтахтда, балки республика бўйлаб миллий ва жаҳон санъати намуналари кўпроқ намойиш этилаётгани мақсада мувофиқ. Айниқса, ўсиб келаётган авлод ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида бундай кўргазма ва бадий жараёнларнинг аҳамияти беқиёс. Уларни кўришдан ташқил этиш, каттакич барча тадбирларга бош-қош бўлиш академия раҳбари зиммасига масъулият юклайди, албатта. Ўзбекистон халқ расмони Акмал Нур ўн йилдан ошдики, академияга қаттиқ боғланиб қолган.

Мактабни тамомлаб, Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирган Акмал Нуриддинов рангтаъсир бўлимида гузаллик билан ошно бўлди. Узун тунлар рангларни "гаптириш"га уринди. Ижод қилди. Яратган асарлари кўпчиликка манзур бўлди. Кейин Театр ва рассомлик санъати институтида ўқиди, омади бор экан, халқ расмони Раҳим Аҳмедовдан сабоқ олди. Ижод машаққатининг минг бир чигиринидан дадил ўтган устоз унинг сирларини шогирдига меҳр билан ўргатди. Ҳаётини

тошкентлик беш мўйқалам соҳибининг ижодий кўргазмаси очилиб, улар орасида Акмал Нур ҳам бор эди. 1990 йилда у ёшлар ташкилоти йўлланмаси билан Югославияга борди. Қайтган, сафар таассуротлари асосида яратган бешта асарини уларга тақдим этган. Ушанда Нидерландия, Испания, Италия, Франция, Германия каби мамлакатлар вакиллари ёш ўзбек мусаввири Акмал Нуриддиновнинг асарларидан олам-олам завқ олганини ёзиб қолдирган эди.

Мусаввир асарларида чин инсонийликка, ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида аҳамият берган. Унинг "Мангуликка дахлдор" асари, айниқса, диққатга сазовор: оппоқ кийимдаги рух испом дини рамзи — ярим ойга кўл чўзиб учиб борапти. Қўлида ҳеч вақо йўқ. Бу билан мўйқалам соҳибни Искандар Зулқарнайнинг ибратомуз васиятини таъкидлаган. У ўлими олдидан "Икки қўлимни



тобутдан чиқариб қўйинглр. Токи одамлар мендек подшо ҳам у дунёга ҳеч нарсасиз кетаётганимни кўрсин. Бойликка ружу қўймасин. Шукрона ва сажий бўлиб яшасин", деган эди. Акмал ўша пайтда ўттиз ёшларда бўлса-да, ибратли, муқаддас гоани жуда таъсирли ва гўзал тарзда ёритиб берган эди. Ўттиз йил аввалги суҳбатда ижодкор дилингизда тугиб юрган муаммоларингизни биз билан ўртоқлашинг, деган саволимизга бундай жавоб берган:

— Юртимизда иқтидорли ёш рассомлар етишиб келмоқда. Аммо бирортамизнинг устахонамиз йўқ. Утеган йили шахсан ўзим бир хонали уйни ижарага олиб ижод қилдим. Бошқалар ҳам шу алфозда. Аслида, яхши асар яратиш учун кўнгли хотиржам бўлиши керак. Ижодкор билан бу сафар унинг ишхонаси, яъни Бадий академияда учрашдик. Дастлаб атрофга разм солдим. Дилтортар манзара. Чиройли суратлар, бир-биридан гўзал турли совага буюмлар, файли, фаришталли катта хона. Стол атрофига рўбарў жойлашдик. Акмал Нур чеҳрасида одатий самимият, илиқлик, юзида нур балкиб турибди. Уч йил аввал 60 ёшлигига бағишланган кўргазма ҳақида сурадим. Юзидаги боғи ёркинлик бир оз сўнгандек, кўзлари гамгинлашгандек бўлди.

— Кўргазмани, асосан, онам хотирасига бағишлаган эдим. Биз фарзандлар, оналар қадрига кўпичча вақтида етолмай қоламиз. Иш билан бўлиб онамни, онажонини йўқлашга вақт ажратолмадим. Иқтисодий жиҳатдан қўллаган бўлсам-да, маънан суҳбат қуриб, меҳрларини ополмадим. Ўзим ҳам кезида меҳр беролмадим. 2017 йил Жанубий Кореяда кўргазма намойиш қилаётган вақтда мунисингама вафот этдилар. Юрагимга бир тутам армон, алам жойлашди. Шу боис, 2019 йили оналар меҳри, муҳаббатига бағишлаб кўргазма намойиш қилдим.

Акмал Нурнинг асарлари дунёнинг кўп мамлакатларида машҳур. Шулардан бири "Буюк ипак йўли" асаридир. У беш метрли матога мойбўёқда ишланган, Хитойдаги Буюк ипак йўлига бағишланган катта галереяда туради. Асарнинг асосий марказида Хитойга борган карвон ифодаланган. Унда турли миллат вакиллари миллий деталлар орқали ифодаланган. Жумладан, ўзбекининг дуплиси, киргиз қалпоғи каби. Шу зайл миллатлар, яъни Урта Осиё халқлари бир-бирига ўз ифодасини топган. Баъзи жойларда қисман Хитой девори ҳам кўринади. Шунингдек, суратда тарихий обидалар ҳам акс этган. Минораи Калон, Калта Минор, Регистондан рамзлар рангларда ўз ифодасини топган.

Акмал Нурнинг ижодиди илоҳий ишқ мавзуси ҳам алоҳида ўрин тутайди. Ушбу мавзудаги қатор асарларида аёл

маъбуда, айниқса, ҳомиладор аёллар илоҳийликка дахлдор қилиб тасвирланади. Уларни қадрлаш, эҳтиётлаш, асраш зарурлиги ёритилади. Масалан, "Оқ тун" асари. 70х110 ҳажмдаги ушбу мойбўёқ холста икки қалб бирлашиб бир бутунлиқни ташкил қилгани тасвирланган. Ўртада оила белгиси — анор. Унинг доналари — фарзандлар олдинма-кетин тўкилмоқда. Ижодкор муҳаббатни, ишқнинг ҳис-туйғусини, бир-бирига етишган икки дил тўғнларини жозибдор рангларда тақдим қилган.

Мусаввирнинг ижодидан эътиқод, виждон, оила, дўстлик, Ватан, илоҳийлик мавзuları билан бирга қушлар, табиат мавзуси ҳам жой олган. 2009 йилда яратилган "Сендан сўрайман" асарида илоҳий "Семурғ" қуши ўрта аср ёдгорликлари, гумбазлари устидан учиб ўтади. Композициянинг ўртасида ёркин қуёш айланаси. Унинг марказий ўқ қисмида инсон қафтлари билан дуога кўл очган. Бу қўллар, албатта, ижодкор қўларидир.

— Академияни бошқараётганингизга ҳам 11 йил бўлди. Амалга оширилган ҳам тўғрисида нималар дея olasiz?

— Қилинган ишлардан энг кўзга кўринарлиси 2022 йил халқаро даражада ўтказилган замонавий санъат биенналесиди бўлди. Унда 35 та мамлакат ижодкорлари иштирок этди. Ижодий ҳамкорлик, тажриба алмашиш, дўстлик ришталари ижодкор учун гоят зарур. Аънавага айланган тасвирий ва амалий санъат фестивали халқаро миқёсда баҳор ойларида гузаллик билан уйғунлашиб кетади. Шу ўринда Президентимизнинг ижод аҳлига, адабиёт ва санъатга гамхўрлигини алоҳида таъкидлагим келади. Бир пайтлар устахона тополмай қийналаб юрардик. Бугунги кунда халқ амалий санъати, рассомлар ижоди учун яратиш берилган шароитлар беқиёс.

Утеган йил 10 августдан 10 сентябрга қадар, кўҳна ва навқирон шахримиз Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити арасида "Самарқанд руҳи" лойиҳаси асосида "Халқаро хайкалтарошлар симпозиуми" ўтказилди. Мавжуд шароитлардан руҳланган ҳолда режаларимизни белгилаялмиз. Тошкент халқаро амалий



санъат биенналесиди, аънавий Тасвирий ва амалий санъат фестивали, Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесиди, Тошкент кувончлари" халқаро болалар расмлари биенналесиди Бадий академиянинг халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилаётган йирик лойиҳалари саналади. Мазкур санъат ҳафталиқлари доирасида жаҳоннинг соҳадаги нуфузли илмий даргоҳлари вакиллари иштирокида илмий-амалий конференциялар ҳам ўтказилиб, унда санъат соҳасида жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар муҳокама этилмоқда, ечимлар изланмоқда.

Айни кунда халқимизнинг бой маданий мероси асосида миллий тасвирий, амалий, аънавий ҳамда дизайн санъатини ривожлантириш йўлида рассом, усталарнинг ижодий салоҳиятини сафарбар этаётган Ўзбекистон Бадий академияси олдига қатор режалар турибди.

Уйлаймики, бу саъй-ҳаракатлар халқимизни нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг илгор санъати билан яқиндан таништириб, ёш авлодни умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

## Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Навр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246. 14119 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида** босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. "ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Тун... Соат миллари беозоргина "чиқ-чик"лаб хонадаги сукунатни бузиб турибди. "Ой тўлибди, — хаёлидан ўтказди Шоира опа. — Ишқилиб, бугун ҳам фақат тўрт мучаси соғ чақалоқлар дунёга келсин. Умри билан берган бўлсин. Ота-онасига, элга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб етишсин..."

## ЧАҚАЛОҚЛАР ЙИҒИСИГА ОШУФТА КҮНГИЛ

Аёл тўлғояпти. Чақалоқнинг чинқириб йиғлаши ҳаммани енгил тин олдириди. Гарчи тўлғоқдан кўзларида севинч ёшлари думаласа-да, тугилажак дилбанднинг тотли нафасини ҳис этиб қувонди. Қўзи ярқ этиб очилган аёл қаршисидаги Шоира опага титроқ товуш билан "рахмат", деди. Оғриги хийла чекингандек бўлди. Чақалоқни сийпалаб, унга кучкуват бағишлаган дояга дилидаги жамики эзгу тилақларини тўкиб солди. — Опа, сизни биринчи қаватда кутишяпти. Ҳамширанинг овози Шоирахонни сергаклантирди. Демак, яна кимгадир унинг ёрдами керак...



Бу икки аро йўл ўртасида жони ҳалак аёлга оналик саодати улашишни бахт деб ҳисоблайдиган Учқўрғон туман тиббиёт бirlашмасининг туғуруқ комплекси мудири, қўли енгил акушер-гинеколог Шоира опа Аҳмедованинг касбий фаолиятдан бир лавҳа, холос. Қаҳрамонимиз болалигидан шифокор бўлишни орзу қилган. Жамалак сочили қизалоқ пайтидаги уйинларда у ҳаммиша оқ халати врач бўларди. Аслида, беоморлар дардида малҳам бўлиш хайри юмуш саналса, бир аёлнинг эсон-омон кўз ёришига қўши қўшиш ундан-да савоблироқ амал. У шундай касбни танлади.

Мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Андижон давлат тиббиёт институтига кирди. 1994 йил олий ўқув юртини битириб, фаолиятини вилоят туғуруқхонасида бошлади. У ерда Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқорованинг қўлида амалиёт ўтади. Кейин туман марказий шифохонасида меҳнат қилди. 2009 йилдан буён туғуруқ комплекси мудири лавозимида самарали ишламоқда. Шунча йилдирки, ўзининг раҳбарлик салоҳиятини намоян этиб келмоқда. Машаққатли ва масъулиятли вазифаси тўғрисида одамлар, мутасаддилар назарига тушди, уни туман кенгашига депутат этиб сайлашди.

— Бир кунда бир неча хомиладорнинг кўзи ёрса, шунча марта хавотир босади юрагимни, — дейди Шоира опа. — Ахир ўша аёлнинг ҳаёти хавф остида туриши рост. Токи туғуруқ залидан чақалоқ йиғиси эшитилмагунча, тўлғоқ азобини бошидан ўтказган онанинг юзига хотиржамлик инмагунча бизнинг ҳам бепарво бўлишга ҳақимиз йўқ. Қалбида иккинчи бир инсоннинг юрак уришини ҳис этаётган она билан суҳбатлашш нақадар завқли ва ҳаяжонли. У қанчалар илиқ туйғулр билан бизга мурожаат қилади. Аёл саломатлиги, фарзанднинг тақдирини бизнинг қўлимизда экан, эртая кеч хизматга тайёрми.

Шоира Аҳмедова бошчилик қилаётган катта ва аҳил жамоада тажрибали ходимлар талайгина. Гулнара Алихонова, Зоҳида Шамсиддинова, Дилором Тўламурзаева, Жамила Раҳмоналиева, Дилфуза Тожибоевалар ўз ишининг фидойилари. Улар ҳақида ҳар қанча яхши эътирофлар билдирсак ярашади. Шоира опага тажрибали акушер-гинеколог Адолат Қўзиёева, Садбархон Азимовлар билан елкама-елка ишлаш насиб этган. Ҳалол ва заҳматли меҳнатлари боис, бугун устозлари каби эл эҳтиромида.

У кўни-қўшни, қариндош-уруғнинг тўй-ҳашамларида эркин ўтиролмайдди. Дугоналарига ўхшаб гап-гаштакларда юрмайди. Хаёли фақат ишхонасида, туғуруқхонада бўлади. Бирор аёл менинг кўмагимга муҳтож бўлиб қолмадимикан, ходимлар безътибор бўлмаётган, деган саволлар уни тинч қўймайди. Бу ишдан опа сифа афсусланмайди. Аксинча, шарофли касбидан фарҳангдди, ҳаловат топади. Яратганга беҳад шукроналар айтади.

— Чақалоқларнинг беғубор қилиқлари, ширингина жилмайишлари чарқоқларини тарқатиб юборайди. Шундай лаҳзаларда касбимдан қониқиб, кўнглим янада ёришиб, қалбим тўлқинланиб кетади. Юртимизда аёл қадри, унинг мавқеи гоятда азиз ва юксак экани ҳар биримизни шижоат билан меҳнат қилишга, халқ манфаати йўлида изланишга ундайди, — дейди мамнун ҳолда оидин тунлар бекаси.

Опа билан хайрлашар чоғимизда туғуруқ хонасидан чақалоқнинг "инга-инга"си эшитилди. Яна бир тўрт мучаси соғ янги меҳмон дунёга келди. "Инга"ларинг оламини тутсин, болажон!" деган ният дилимиздан кечди.

## Жаҳонгир ТҶХТАСИНОВ, журналист

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов Мусахўж; Рашид Хўжаков Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ЎА яқини — 01:50 Топширилди — 02:20

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ Таҳририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун бўнани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz